

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ**

**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

Малака ошириш тармоқ маркази директори

\_\_\_\_\_ О. О. Ҳасанов

2015 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**“Мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялар” МОДУЛИ  
БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: доц. М.Умаров**

**Тошкент – 2015**

## МУНДАРИЖА

1. ИШЧИ ДАСТУР.....
  2. МАЪРУЗА МАТНИ .....
  - 1-*Мавзу*. Мутахассислик фанларини ўқитишда санъат ва маданият таълими ....
- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**
- 1.*Мавзу*: Фанни ўқитишда инновацион технологияларнинг жорий қилиниши
  2. *Мавзу*. Санъат соҳасида ўзбек мутахассисларнинг ўзига хос йўналишлари. Санъат ва маданият таълимининг узвийлиги ва узлуксизлиги. ....
  - 3- *Мавзу*. Мутахассислик соҳасида илмий –ижодий фаолият.
4. ТЕСТ САВОЛЛАРИ
  5. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ .....
  6. ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

# Мутахассислик бўйича тайёргарлик

## ИШЧИ ДАСТУР

### I. Кириш

Ушбу ишчи ўқув дастурининг асосий мақсади - “Санъатшунослик”, “Рангтасвир”, “Дизайн”, “Графика”, “Ҳайкалтарошлик”, “Амалий санъат” ОТМ таълим йўналишлари мутахассисликлари бўйича умумқасбий ва ихтисослик фанларидан олий таълим муассасаларида педагогик фаолият олиб бораётган, малака ошириш учун келган тингловчиларга мутахассислик фанларини ўқитишнинг мақсади, қонуниятлари, тамойиллари, шарт-шароитлари ҳақида зарурий билимларни ўргатишдан иборат. Тингловчилар мутахассислик фанларини ўқитишнинг мазмуни, сифати, шакли, методи, воситалари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари зарур.

Ўқув дастурининг вазифалари – “Санъатшунослик”, “Рангтасвир”, “Дизайн”, “Графика”, “Ҳайкалтарошлик”, “Амалий санъат” таълим йўналишларида: рангтасвир, чизматасвир, ашёда ишлаш, композиция каби мутахассислик фанларининг дидактик қонуниятлари ва тамойиллари юзасидан янгича ёндашувлар, яқка тартибда ўқитишга технологик ёндашув каби масалаларнинг назарий ва амалий асослари билан яқиндан таништириш.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқ марказининг тингловчилари учун яратилган “Мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялар” деб номланган 10 соатга мўлжалланган ушбу курс – мутахассислик фанларини ўқитишнинг мақсади, мазмуни, сифати, шакли, методи, воситалари, қонуниятлари, тамойиллари, шарт-шароитларининг назарий ва амалий асослари бўйича тузилган.

## Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари

№	Мавзунинг номи	Маъ - руза	Ама лий	Мус -та- қил
1.	Мутахассислик фанларини ўқитишда санъат ва маданият таълими.	2		
2.	Фанни ўқитишда инновацион технологияларнинг жорий қилиниши		2	
3.	Санъат соҳасида ўзбек мутахассисларнинг ўзига хос йўналишлари. Санъат ва маданият таълимининг узвийлиги ва узлуксизлиги.		2	
4.	Мутахассислик соҳасида илмий –ижодий фаолият.		2	2
5.	Жаҳон ва ўзбек санъатининг қиёсий таҳлили.			
<b>ЖАМИ: 10 соат</b>		<b>2</b>	<b>6</b>	<b>2</b>

### Маъруза машғулотлар мазмуни

#### 1-мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитишда санъат ва маданият таълими. (2 соат)

##### Режа:

1. Мутахассислик фанларининг бугунги кундаги ҳолати ва ундаги долзарб муаммолар.
2. Мутахассислик фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.
3. Мутахассислик фанларини ўқитилишида индивидуаллик ва дифференциал ёндашув.

##### Педогогик технологияларнинг қўлланилиши

*Ушбу мавзунини ўқишда муаммоли таълим технологиялари, кўрғазмалилик, мултимедия, слайдшоу усулларидан фойдаланилади.*

## Амалий машғулотлар мазмуни

### **2-мавзу. Фанни ўқитишда инновацион технологияларнинг жорий қилиниши. (2 соат)**

#### **Режа:**

1. Янги усул ва услубларнинг кашф этилиши.
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш сифатини ошириш йўллари, шакли ва методлари.
3. Таълим қонуниятлари ва усуллари

#### **Педогогик технологияларнинг қўлланилиши**

*Ушбу мавзунини ўқишда муаммоли таълим технологиялари, “ақлий хужум” ва кластер усулидан фойдаланилади.*

### **3-мавзу. Санъат соҳасида ўзбек мутахассисларнинг ўзига хос йўналишлари. Санъат ва маданият таълимининг узвийлиги ва узлуксизлиги. (2 соат)**

#### **Режа:**

1. Таълим сифатининг ижобий ўзгаришига ҳизмат қилувчи омиллар.
2. Фан ўқитилишининг илмий-амалий асослари.
3. Мутахассислик фанларини ўқишнинг дидактик услублари

#### **Педогогик технологияларнинг қўлланилиши**

*Ушбу мавзунини ўқишда муаммоли таълим технологиялари, “ақлий хужум” ва кластер усулидан фойдаланилади.*

### **4-мавзу. Мутахассислик соҳасида илмий –ижодий фаолият. (2 соат)**

#### **Режа:**

1. Мутахассислик фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши.
2. Мутахассислик фанларни ўқитишда “Устоз-шогирд” анъаналари.
3. Мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари

## **Педогогик технологияларнинг қўлланилиши**

*Ушбу мавзунини ўқишда муаммолиталим технологиялари, “ақлий хужум” ва кластер усулидан фойдаланилади.*

### **Мустақил иш**

Аудиторияда олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўтилган мавзу бўйича мустақил тайёргарлик ишларини бажариш. Ушбу мақсадларда ахборот-таълим ресурсларидан, тармоқ марказида мавжуд адабиёт ва видеотека жамғармасидан, альбом ва котологлардан, кўрғазма залларидан ва рассомлар устохоналидан унумли фойдаланиб, берилган машқ-топшириқни бажариш. Мазкур фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб касбий маҳоратни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни мақсадли амалга ошириш.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
4. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Р.А.Ҳудайберганаев “Рангшунослик асослари”. Ғ.Ғулом нашриёти - 2006й.
2. Р.А.Ҳудайберганаев. “Композиция”.-Т.: Шарқ,2007й.
3. О. Муинов “Рангасвир”.- Т.: Шарқ нашриёти 2008.
4. М.Уйғур номли ТДСИ “Рангасвир асарида композиция муоммолари”

услубий кулланма.- Т., 1994.

5. Н.Норматов. “Ранглар юртига йўл”. - Т.: Ношир. 2013 й.

6. Р.А.Худайбергенов. “Тасвирий санъатда ранг”.ТДСИ Ўқ. Босмахонаси. 2004 й.

#### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
2. Аxborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
3. <http://www.conservatoy.uz>
4. <http://www.gov.uz>
5. <http://www.lex.uz>
6. <http://www.ziyonet.uz>
7. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
8. [www.dsmi.uz](http://www.dsmi.uz)
9. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
10. [www.dsmimarkaz.uz](http://www.dsmimarkaz.uz)

## МАЪРУЗА МАТНИ

### 1-мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитишда санъат ва маданият таълими. (2 соат)

#### Режа:

1. Мутахассислик фанларининг бугунги кундаги ҳолати ва ундаги долзарб муаммолар.
2. Мутахассислик фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.
3. Мутахассислик фанларини ўқитилишида индивидуаллик ва дифференциал ёндашув.

#### Педагогик технологияларнинг қўлланилиши

*Ушбу мавзунини ўқишда муаммолар таълим технологиялари, кўргазмаллик, мультимедия, слайдшоу усулларидан фойдаланилади.*

#### Калит сўзлар

**Маданият** – “Маданий” “шаҳарлик” деган маъноларни билдиради. Кейинчалик “Маърифатли бўлиш”, “Тарбияли”, “Билимли бўлиш” маъноларида ишлатилган.

**санъат** – узоқ тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, асори-атиқалар йиғиндиси.

**Маърифат** – билиш, таниш, яъни билим демакдир.

**Менталитет** – инсоннинг ижтимоий-иқтисодий маданий дунёқараши.

**Маънавий мерос** – Қадим замонлардан бери аجدодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар-сиёсий, фалсавий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир.

**Анъаналар** – жамият ҳаёти турли соҳаларининг моддий ва маънавий фаолият шакллари, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи, дунёда анъаналар ва урф-одатларга эга бўлмаган миллат ёки элат йўқ.

Инновация масаласига алоҳида эътибор беришимизнинг бир неча муҳим сабаблари бор. Биринчидан, бизнинг англашимизча, Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиш ва мустақил тараққий топтириш йўли – “Ўзбек модели” беҳад катта ва улкан, узоқ муддатли, энг



устувор ва оламшумул умуммиллий инновацион лойиҳа ва дастурамал бўлди. Иккинчидан, инновация, инновацион фаолият ва бозор ҳамда инновацион тизим Ўзбекистоннинг ўз мустақиллиги учун курашда ва тараққиёт йўли – “Ўзбек модели”нинг таркибий қисми йўналишларидан бири сифатида мустақиллик йилларида пайдо бўлди. Учинчидан, маълум бўлганидек, буларнинг ҳар иккаласи – “Ўзбек модели” ва инновация ўзаро узвий боғлиқда дунёга келди. Уларнинг бири иккинчисини мазмунан ва моҳиятан бойитди, жамиятга таъсирчанлигини оширди. Тўртинчидан, “Ўзбек модели” ҳам, инновация ҳам фақат бир буюк мақсадга хизмат қилди ва қилмоқда. Бу Ватан ва миллат мустақил қилиб, такомил топтириш, жамият ривожини, илм-фани ва техника тараққиётини тезлаштиришдан иборат бўлди. Буларни тўла тўқисанглаш, масаланинг мазмуни ва моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қилиш учун энг аввало, инновация ҳақида алоҳида тўхталанишига эҳтиёж туғилмоқда. Чунки, бу мутлақо янги тушунча ва соҳа бўлиб, ҳали тўла-тўқисангланилганича йўқ.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация куйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (инглизча *innovations* – киритилган янгилик, ихтиро) 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”<sup>1</sup>.

Бу энциклопедик қисқа маълумот инновацияга умумий таъриф-таъсиф берилган. Асосан табиий фанлар, техника, технология, ишлаб чиқаришларга оид янгиликлар ёки умуман инсоний меҳнат фаолиятлари, янгиланишларига сабабчи бўладиган янгиликлар, янги интеллектуал билим, ғоя, назария ва таълимотлар назарда тутилган. Албатта, булар жумласига ижтимоий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002. – Б. 169.

гуманитар фанлари, шунингдек, маданиятшунослик фани ва унинг методологиясига оид инновация – янгиликлар ҳам кириши ўз-ўзидан маълум. Инновация тушунчаси ва унинг мазмуни ҳам худди фан методологияси каби кенг – умумий ва тор, хусусий характерга эга.

Методология билан инновация ўртасида ўзаро умумжиҳатлик ва мақсад бирлиги мавжуд. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсоний билимлар такомилли топиши, ишлаб чиқариш ва жамият тараққиётига хизмат қилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳар қандай инновация ва инновацион лойиҳалар амалга оширилиши, ҳаётга тадбиқ этилишида аниқ бир методологик илмий ғоя, таълимот, назария, усул ва тамойилларга амал қилинсагина, улар рўёбга чиқади. Акс ҳолда, у қуруқ, натижасиз ҳаракат бўлиб, қолади. Албатта, ҳар янгилик, яъни инновация остида янги ғоя ва технология ётади. Мана шу ишлаб чиқариш ёки бирор бир фан учун илмий методологик асос яъни йўл кўрсатувчи, даъват этувчи куч-қувват бўлади.

Методологик асос ва усуллар қанчалик илмий ҳақиқатга яқин бўлса, инновацион лойиҳа шунчалик муваффақият ва самара билан яқин топади. Методология ёки методологик ғоявий-назарий илмий асос, усул ва тамойилларни образли қилиб, ҳар бир инновацион фаолиятнинг компаси ёки дирижёри деб айтсак, биз назарда тутаётган масалани англаш янада осонлашади. Хуллас, методология инновациянинг илмий –назарий асоси. Булар қанчалик ўзаро уйғунликда бир бутун мужассам бўлса, инновациянинг инновационлик мавқеи, даражаси шунчалик юқори бўлади.

Инновация, инновацион тафаккур, инновацион фаолият, инновацион бозор ҳақида ҳали маданиятшунослар бирор мукамал тадқиқот яратгани йўқ. Аммо шу билан бирга, бу соҳа мутлоқ бўм-бўш, қуруқликдан ҳам иборат эмас. Бу соҳага оид кўпгина мақолалар ёзилмоқда. Тарихчи, иқтисодчи ва бошқалар томонидан кўп бўлмасада, маълум даражада қўлланма ва рисола яратилган.

## Назарий саволлар

1. Мутахассилик фанларини ўқитишда санъат асарларининг замонавий жанр ва кўринишлари
2. Мутахассислик фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш
3. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши
4. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий ҳолати, муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари
5. Жамиятни маънавий ахлоқий ва тарихий маданий ривожлантириш жараёнида тарихий хотиранинг ўрни ва муаммолари.

*1-илова*



### Ақлий ҳужум усули

**Ақлий ҳужум** (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавобвий юзага келтириш.

### Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг ҳаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

1. Инновация” сўзи ва уни санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларида қўлланиши
2. Инновацион усуллари ва тизими.
3. Янги педагогик технологияларни қўллаш.



## **Шахс маданият билан қўйидаги соҳалар муносабатда бўлади:**

1. Маданият таъсир этиш объекти сифати уни ўзгартиради.
2. Маданий қадриятларни ташувчи ва ифодаловчиси сифатида конкрет маданият муҳитда фаолият кўрсатади.
3. Маданий ижодиёт субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради.

## **Кичик гуруҳларда ишлаш қондаси**

1. Талабалар топширикни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топширикни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар кегараланмаганлиги ва тазикқа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билимлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқатда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

## **2-мавзу. Фанни ўқитишда инновацион технологияларнинг жорий қилиниши. (2 соат)**

### **Режа:**

1. Янги усул ва услубларнинг кашф этилиши.
2. Мутахассислик фанларини ўқитиш сифатини ошириш йўллари, шакли ва методлари.
3. Таълим қонуниятлари ва усуллари

### **Педогогик технологияларнинг қўлланилиши**

*Ушбу мавзунини ўқишда муаммоли таълим технологиялари, “ақлий хужум” ва кластер усулидан фойдаланилади.*

Калит сўзлар

Интерфаол (inter – бу ўзаро, act – ҳаракат қилмоқ) – ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландин суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари – билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинадиган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Кунлардан бир кун кўл бўйида қорни оч қолган бир киши балиқ тутиб турган донишмандга дуч келибди ва унга мурожаат қилиб: “мен очман, менга ёрдам бер!”. Донишманд қуйидагича жавоб берибди: “мен сенга балиқ беришим мумкин, сен тез тўясан ва бироз вақт ўтгач, ҳудди шундай яна оч қоласан ва мендан яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин, лекин у қачондир синиб қолиши мумкин, унда сен менга яна мурожаат қилишингга тўғри келади. Яхшиси, мен сенга қармоқ ясашни ўргатаман, бу узоқ ва қийин, лекин кейинчалик сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди. Ўз йўлингни танла...”

Юқорида келтирилган ривоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, яхши ўқитувчи талабага “қармоқ ясашни” ўргатиши ва ақлли талаба ясашни қанчалик тез ва мустаҳкам ўрганиб олсалар, улар шунчалик бировларга муҳтож бўлмасдан ўз “овларига” эга бўладилар.

Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойихалаштирилган ва кафолатланганга натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлигидаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танланган мазмун, услуб, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

Маданиятнинг таърифи ҳақидаги қарашларни таҳлил этадиган бўлсак, у ҳақда 400 дан ортиқ таърифлар мавжудлигини қайд этиш мумкин. Бу

таҳлилларнинг умумлаштирган ҳолда олиб қарасак, улар “маданият одамзотнинг ўз табиий фаолиятини инкор этиши ва маданий фаолиятга ўтиши жараёнида иккинчи табиатни яратиш”: “инсон томонидан ижодий фаолияти маҳсули”, “инсон томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси”: “инсоннинг ижодий фаолияти маҳсули”: “инсоннинг ақлли мавжудот сифатида ўз олдига мақсад қўя билиши”: “жамиятнинг фан ва техника соҳасидаги тараққиёти” каби ҳилма-хил кўринишларда ифодаланади.

Ана шундай хилма-хил таҳлилларда кўришиб турибдики, маданият тушунчаси борасида маълум бир ўзгармас таърифни бериш қийин. Қолаверса, бундай хулосага келишнинг ўзи ҳам мумкин эмас, чунки жамиятнинг қанчалик тараққий этиб боришига қараб маданият тушунчасининг мазмундорлик қамрови ҳам шунчалик кенгая боради<sup>2</sup>.

Бундай мураккабликнинг ибтидоси маълум маънода маданиятнинг пайдо бўлиши ҳақида тушунчаларининг келиб чиқишига бориб тақалса, унга хос жараён эса маданиятнинг бугунги ва эртасига хос ижтимоий ҳодиса сифатидаги яшовчанлик характериға бориб тақалади.

Маданият муаммолари борасида қарашларининг ҳилма-хиллиги ва турли-туман зиддиятлар ечими масалаларига бориб тақалувчи анъаналар ҳам мавжудки, уларнинг мазмунини англаб етиш маданият муаммоларининг ҳозирги босқичидан фарқланувчи ўзининг тарихан шаклланиш жараёни, яъни унинг “классик моделини” ўрганишни тақозо этади.

Маданият тушунчасининг энг умумий қонунларини ўрганишга киришган маданиятшунослар таълимоти уни фалсафий таҳлил этишда шундай классик анъанани вужудга келтирадики, унда онгнинг инсондан табиатгача бўлган мавжуд оламни ҳис этиш ва таҳлил қилишнинг барча жиҳатларини кесиб ўтувчи маънавий тушунчалар бирлиги мужассамлаша бошлади. Бу эса маданият ҳақидаги классик тушунчалар ёки унинг “классик модели”ни шакллана боришининг ижтимоий-тарихий замини бўлиб хизмат қилди.

---

<sup>2</sup> Усмонов Қ ва бошқалар. Маданиятшунослик. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Молия-иқтисод, 2008. – Б. 56.

Мана шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, маданиятнинг “классик модели”ни билмасдан туриб, маданият борасидаги ҳозирги қарашларнинг илмий-амалий аҳамиятини тўлақонли тушуниб етиш қийин. Зеро, маданият ҳақидаги тасаввурларни маданият тарихидан фарқламоқ керак. Қолаверса “маданиятнинг куртаклари” кишилиқ жамияти тарихининг илк босқичларидаёқ учраса-да бу “куртаклар” одамлар онгида маданиятнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги шаклида акс этмаган. Чунки ижтимоий-тарихий тараққиётнинг бу даврда кишиларнинг ҳаётий фаолияти уларга бўйсунмаган табиат кучларига қарам бўлган, шу боисдан ҳам уларнинг ҳаётидаги ҳал қилувчи ролни ўзлари эмас, балки ҳали инсон меҳнат фаолияти устида ҳукмрон бўлган табиатнинг стихияли кучлари ўйнаган. Шунинг учун ҳам уларнинг ибтидоий маънавий-маданияти табиатдаги турли предметлар ва ҳодисаларни илоҳийлаштириш, диний эҳтиром, сажда қилиш каби мифологик характердаги тушунчалар шаклидан бўлган. Фақат кейинги тараққиёт босқичларига келиб кишилар ўз ҳаётларининг кўпгина жиҳатларини ўзларига ва ўзларининг шахсий самарали ижодий куч-қудратига боғлиқ эканлигини англаб етдилар. Бу эса кишилармаданият ҳақидаги дастлабки содда лекин гумонли ва ноаниқ тасаввурларининг пайдо бўлишига олиб келди. масалан, ҳосилдорликнинг сабабини худонинг инъоми эмас эканлиги, балки ерга ишлов бериш ва деҳқончилик маданияти ўртасидаги фарқни аниқлаш учун етарли бўлди. шундай қилиб, маданият тушунчасида инсоннинг ўз ўрни ва роли, фақат унгагина хос бўлган, табиатга ҳам, илоҳиётга (айниқса, илоҳий кучларга) ҳам тегишли бўлмаган инсоний фаолликни англаб етиш ўз ифодасини топди. Мазкур тушунча ва тасаввурлар барча илоҳий кучлар ўрнига инсоннинг ўзи “ҳал қилувчи куч” сифатида майдонга келганлигидан дарак беради.

Ана шундай зиддиятли мураккаб жараёнда маданиятнинг “классик модели”га хос бўлган гуманизм (инсонпарварлик), рационализм (ақлга суяниш) ва тарихийлик принциплари шакллана борди.



Маданиятнинг “классик модели”га хос гуманизм принципи инсон (умуман инсон эмас, балки аниқ бир шахс-шоир, рассом, файласуф ва бошқалар) “маданиятнинг яратувчиларидир” деган фалсафий ғояни илгари суради. Италиан гуманисти Д. Монеттининг сўзлари билан айтганда, ҳамма нарса назаримизда биз томондан ихтиро қилинди, тайёрланди ва мукамалликка етказилди. Теварагимиздаги ҳамма нарса бизники, яъни инсонийдир, чунки улар кишилар томонидан яратилгандир.

Инсон табиат томонидан бевосита берилган нарсаларни яхшиловчи кўркамлаштирувчи, такомиллаштирувчи “санъати” туфайли ўзининг жисмоний мавжудлиги чегараланганлиги устидан ғолиб келади, деган фикрни илгари суради гуманистлар. Табиат томонидан умри қисқа қилинган инсон яратувчилик қобилияти туфайли у ўзининг чекланганлигини бартараф этиш ва бу билан у яхлитлик гармониясига дахлдор бўлади.

Инсоннинг ўз интилишлари натижасида ижтимоий чекланганлик доирасидан чиқиш, бутунлик ва мукамаллик ҳолатига етишини, уни эркин ва мустақил шахс сифатида олиб қараш – уйғониш даври гуманизмининг “инсонни кашф қилиниши” номини олган бош кашфиёти бўлди. Бу эса инсонга янгича қарашнинг туғилганлигидан далолат эди. Инсон – эндиликда бир-бири билан боғланмаган икки табиий ва илоҳий (ярим ҳайвон, ярим фаришта) субстанция (моҳият) сифатида эмас, балки алоҳида ўзида инсонни моҳиятини мужассамлаштирган тан ва руҳ сифатида намоён бўлади. Демак, бу даврга келиб инсон ўзининг ҳаётининг бошқа шакллари билан фарқли жиҳатларини англаб етди ва улардан ажратиб турадиган чегараларни маданият тушунчаси қамровида ўрнатди.

Тараққиётнинг сўнги давларида у ўзининг аниқ қиёфасини кўрсата бошлади. XVIII асрда мустақил маданият тушунчасининг пайдо бўлиши инсоннинг илоҳий ватабиий оламидан тамоман озод бўлиши тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Инсондаги мустақил ва ижодий яратувчанлик кучлари таъсирида пайдо бўладиган “майдонни” белгилаб олдиларки, бу майдон “маданият майдони”

деб аталди. Инсон маданиятининг махсули эмас, балки маданий бойликларни яратувчи мавжудот сифатида гавдаланди, ташқи шароитлар, яъни табиат ходисалари таъсирида бўувчи субъект сифатида эмас, балки, ўзи табиатни яратувчи субъект сифатида тақдим этилди.

Шу маънода айтиш мумкинки, инсоннинг бошқа мавжудотларидан ажралиб туриши чегараси бу маданият чегарасидир. Инсон маданиятига мансуб бу чегара уни ижтимоий борлиқдан ажратиб турувчи девор ҳам эмас, балки инсоннинг ўз табиатига кўра ким бўлиши учун босиб ўтиши лозим бўлган тарихий масофадир. Бу чегара бутун инсоний тарихдир, инсоннинг шаклланиши ва ривожланиши жараёндир. Шунга мувофиқ маданият ҳам ана шу чегарага тенг катталиқдадир. Бу масофанинг тарихий йўлнинг икки нуқтаси ажратиб боради: улардан биринчиси, одамнинг ҳали табиатдан ажралмаган ҳолати, яъни табиий ҳолат. Иккинчиси, ақл қонунлари билан олдиндан белгиланган ҳолат, яъни бу ақллий ҳолатдир. Демак, маданият айна бир пайтда инсоният пайдо бўлгандан бошлаб босиб ўтган тарихий йўл ва шу йўлнинг бош натижасидир.

### **Ўзини –ўзи баҳолаш саволлари**

1. Санъат асарларининг замонавий жанр ва кўринишлари
2. Санъатшунослик фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш
  1. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши
  2. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий ҳолати, муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари
  3. Жамиятни маънавий ахлоқий ва тарихий маданий ривожлантириш жараёнида тарихий хотиранинг ўрни ва муаммолари.

2-Илова.

### **Ақлий ҳужум учун бериладиган саволлар**

1. Мутахассилик фанларини ўқитишда қандай янги педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкин.
2. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиш тарихи қайси

йилларга тўғри келади.

3. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий ҳолати, муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари гапиринг.

4. Жамиятни маънавий ахлоқий ва тарихий маданий ривожлантириш жараёнида тарихий хотиранинг ўрни ва муаммолари

5. Санъат асарларининг замонавий жанр ва кўринишлари

6. Санъатшунослик фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш

7. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши

8. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий ҳолати, муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари

### 3-мавзу. Санъат соҳасида ўзбек мутахассисларнинг ўзига хос йўналишлари.

**Санъат ва маданият таълимининг узвийлиги ва узлуксизлиги. (2 соат)**

#### Режа:

1. Таълим сифатининг ижобий ўзгаришига ҳизмат қилувчи омиллар.
2. Фан ўқитилишининг илмий-амалий асослари.
3. Мутахассислик фанларини ўқишнинг дидактик услублари

#### Педагогик технологияларнинг қўлланилиши

*Ушбу мавзунини ўқишда муаммолитаълим технологиялари, “ақлий ҳужум” ва кластер усулидан фойдаланилади.*

5(3.2)-Илова

#### «ПИНБОРД» техникаси бўйича топшириқ

	Полеолит	Мезолит	Неолит
Дастлабки билимлар			
Ғабобат			
Ҳунармандчилик			
Диний тасаввурлар			
Халқ оғзаки ижоди			

Ҳайкалтарошлик			
Маросим ва удумлар			
Тасвирий санъат			
Дехқончилик			
Чорвачилик			
Мегалитлар			
Қоятош тасвирлари			
Муסיқа			
Мифология			

#### **4-мавзу. Мутахассислик соҳасида илмий –иждодий фаолият. (2 соат)**

##### **Режа:**

1. Мутахассислик фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши.
2. Мутахассислик фанларни ўқитишда “Устоз-шогирд” анъаналари.
3. Мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари

##### **Педогогик технологияларнинг қўлланилиши**


*Ушбу мавзунини ўқишда муаммоликтаълим технологиялари, “ақлий хужум” ёки кластер усулидан фойдаланилади.*


## Дидактик материаллар

1-илова



2-илова





**Шахс маданият билан қуйидаги соҳалар муносабатда бўлади:**

1. Маданият таъсир этиш объекти сифати уни ўзгартиради.
2. Маданий қадриятларни ташувчи ва ифодаловчиси сифатида конкрет маданият мухитда фаолият кўрсатади.
3. Маданий ижодиёт субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради.

## Тест саволлари

1. Марказий Осиёда илк ренессанс (уйғониш) қайси асрларга тўғри келади?
  - А) Миллоддан аввалги V-IV асрларга
  - Б) Миллодий IX-XII асрларга
  - В) XIV-XVI асрларга
  - Г) XVIII-XIX асрларга
  - Д) XIX-XX асрларга
  
2. Ал Фарғоний Марказий Осиё илм фани тараққиётида ўзининг қандай кашфиёти билан машхур?
  - А) юлдузлар холатини ўрганиш
  - Б) ҳаракатни кузатиш
  - В) глобус
  - Г) минералларни текшириш
  - Д) қадимги турк адабий тилига асос солиш
  
3. Ал Хоразмий қайси фанга асос солган?
  - А) география
  - Б) чизмачилик
  - В) физика
  - Г) алгебра
  - Д) фалакшунослик
  
4. Имом ал Бухорийнинг ислом дунёсида энг ишончли ҳадислар тўплами сифатида машхур бўлган 4 жилтли йирик асари қандай номланади?
  - А) Ал-адаб ал муфради
  - Б) Тарихий Бухоро
  - В) Кито ул-фавонд
  - Г) Ал-Жоме ас-сахих
  - Д) Шамоилий Мухаммадия
  
5. Марказий Осиё ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган ва сўфиизм ғояларини шеърӣ ифодалаган девони хикмат асар кимнинг қаламига мансуб?
  - А) Сўфий Оллаёр
  - Б) Хўжаназар Хувайдо
  - В) Сулаймон Бақирғоний
  - Г) Ахмад Яссавий
  - Д) Баховуддин Нақшбандий
  
6. Амир Темурнинг маънавий ҳомийси ким бўлган?
  - А) Саид Пир Мухаммад
  - Б) Абдулмўминхон

- В) Уста Муҳаммад
- Г) Муҳаммадхон Уста
- Д) Саид Барака

7. Амир Темур қайси шаҳарни пойтахт қилиб олди ва унинг маданиятини ривожлантирди?

- А) Кеш
- Б) Бухоро
- В) Самарқанд
- Г) Андхой
- Д) Чоч

8. Улуғбек кўпроқ қайси илм соҳасини ривожлантирди?

- А) Риёзиёт
- Б) Тарих
- В) Фалакшунослик
- Г) Фалсафа
- Д) Мантиқ

9. Улуғбек Самарқандда қайси иншоотни ўзи бошчилигида қурдирган?

- А) Оқ масжит
- Б) Бибихоним мадрасаси
- В) Улуғбек мадрасаси
- Г) Регистон
- Д) Шоҳизинди



## Глоссарий

**Байт ул-Ҳикмат** – “Донишмандлар уйи”. Бағдоддаги академия.

**Барокко** – Европа меъморчилиги услуби.

**Бобил минораси** – дунёнинг етти мўъжизасидан бири баландлиги 90 м.

**Буддавийлик** – Мил.авв. VI асрда Ҳиндистонда пайдо бўлган дин.

**Геоцентрик ғоя** – коинот марказида доира шаклида ҳаракатсиз Ер туради.

**Геродот** – (эр. авв. 490-430.) Юнон тарихчиси. “Тарих фанинг отаси” ҳисобланади.

**Гуманизм** – инсонпарвалик.

**Иконаграфия** – Ўрта асрларда авлиёларни ёғоч тахталарда тасвирлаш.

**Илми нуҷум – Санъатшунослик ва маданиятшунослик** – санъат ва маданият тўғрисидаги фан бўлиб, маданият тарихи ва маданият назариясидан иборат.

**Ислом** - сўзи арабча бўлиб, «худога ўзини топшириш», «итоат», «бўйсунуш» маъносини англатади.

**Маънавият** - инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратувчи ижтимоий ходиса.

**Маърифат** - билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш кураш, воситасидир.

**Мерос** - инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичда яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейинги авлодга етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир.

**Миллат** - «миллат» сўзи «ўзак», «туб моҳият», «негиз» деган маънони билдиради.

**Миллий ғоя** - миллатнинг ўтмиши, бугуни, истиқболи, манфаат ва мақсадини ифодаловчи ижтимоий ғоя.

**Миллий қариятлар** - миллий мафқуранинг тарбиявий элементи.

**Миллий мафкура** - ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизни кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида қўйилган олий мақсад ва олий ғоядир.

**Миллий маънавият** - муайян элат, миллатга, унинг аждодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлардир.

**Миллий тарбия** - у ёки бу миллатни, элатни ташкил этувчи кишиларни миллий маданиятини мерос, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятни ривожлантиришдир, у миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг субъектидир.

**Темур тузуклари** - Амир Темур томонидан давлатнинг ривожланиши учун ва давлатнинг тараққиёти учун айтилган фикр мулоҳазалар.

**Умуминсоний маънавият** - бутун инсониятга жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий-ахлоқий бойликлардир.

**Ғоя** - муайян фикр, мақсад сари етакловчи куч.

**Қадриятлар** – борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ходисалар, инсон хаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

**Қуббатул ислом** – Бухоро шаҳри. Ислом динининг гумбази.

**Қуръони Карим** - Ислом динининг муқаддас китоби.

**Апостоллар** – Ҳаворойлар. Исо пайғамбарнинг шогирдлари.

**Артемиди ибодатхонаси** – Дунёнинг етти мўъжизаларидан бири Эфес шаҳрида қурилган.

Астрономия фани.

**Исо Масих** – Христианлик динининг пайғамбари. (1-33 йиллар).

**Католик черкови** – Христианлик динидаги оқим. Маркази Ватикан.

**Колизей амфитеатри** – Милоднинг 1 асрида Римда қурилган. Гладиаторлик жанглари ўтказилган.

**Леонардо да Винчи (1452-1519 йй.)** – Италиядаги уйғониш даври маданиятининг энг буюк арбоби. Олим, муҳандис, етук рассом.

**Литургия** – Черков куйи.

**Маъмун академияси** – Хоразмда ташкил этилган академия.

**Модернизм** – Янги санъат.

**“Олтин мерос”** – Хайрия жамғармаси 1996 йилда ташкил этилган.

**Рақоно** – рассомчиликдаги услуб. Бу услуб ўзининг енгиллиги тўғри чизиқларнинг симметрияси йўқлиги билан характерланади.

**Расадхона** – обсерватория. Осмон жисмларини кузатадиган илмий даргоҳ.

**Ренессанс** – Уйғониш даври.

**Робер де Сарбон** – Франциядаги Сарбонна университетининг асосчиси. (1257 й.)

**Роман** – меъморчилик услуби.

**“Умид”, “Истеъдод” жамғармалари** – Истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг чет элда ўқишини қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган.

**Фидий** – Юнон ҳайкалтароши. Зевс, Афина, Проматос ҳайкалларини муаллифи.

**Фобизм** – Санъат йўналишидаги янги оқим бўлиб, предмет нарсаларнинг ажабтовур, ёрқин кўринишда акс эттиришни ифодалайди.

**Хаттотлар** – Китоб кўчирувчи хуснихат эгалари.

**Хуанхэ** - Сарик дарё. Марказий Хитой тоғларидан Тинч океанига қуйиладиган дарё.

**Шумерлар** – Қадимги Мессопатамия давлатида яшаб ўтган қабила. Эр. Авв. 3 мингинчи йиллар.

**Эллада** – Қадимги Юнонистоннинг номи.

**Ҳайкалтарош И.Жабборов** – Тошкентдаги Амир Темур, Самарқанд, Шаҳрисабздаги Амир Темур, Фарғона ва Қувада ал-Фарғоний ҳайкалларини яратган.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Алмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Т., 2007.
2. Александрова Л. Кто приходит в музей сегодня и придет завтра. / Музеи в период перемен. Материалы российского-британского семинара «Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики». СПб., 1997. – 164 б.
3. Бабаназарова Б. Государственный музей искусств Республики Каракалпакстан. // Мозийдан садо. 1999. № 1-2.
4. Ботиров Б. Миллий маънавият маскани. // Маърифат. 2001. № 31.
5. Ботиров Б. Новый облик музея. // Народное слова. 2001. № 84.
6. Ботиров Б. Томошабин сийрак даргоҳлар. // Моҳият. 2001 № 20.
7. Гнедовский М.Б. Музейная экспозиция // Советский музей. 1987. № 6
8. Дресвянская Г.Я. Музей ва жамият // Мозийдан садо 2000. № 1-2.
9. Дукельский В. Конкурент или пешка в чужой игре? // Мир музея 2007. № 7
10. Дўстоев Т. Музей ва маънавият. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997. № 32.
11. Зоитов Т. Музейлар – тарихимиз кўзгуси. // Мозийдан садо. 2000. № 1-2.
12. Ибрагимова Н. Ҳайрат олами. // Мозийдан садо. 1999. № 1-2.
13. Курязова Д. Музей иши тарихи ва назарияси: Касб ҳунар коллежлари учун ўқув кўлланма. Т., 2007.
14. Музеи. Маркетинг. Менежмент. / Сост. В.Ю.Дукельский. М., 2001.
15. Музееведение: Учебник для студентов вузов. М., 1988. – с.
16. Музееведение. Искусство музейной экспозиции и технические оснащение музеев. М., 1985. – с.
17. Музееведение. Музей исторического профиля: Учебное пособие для вузов / Под ред. К.Г. Левыкина, В. Хербста. – М., 1988. – с.
18. Содикова Н. Маданий меросимиз хазинаси. Т., 1981.
19. Содикова Н. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши. // Мозийдан садо. 1999. № 1-2.
20. Юхневич М.Ю. Музейная педагогика – профессия // Советский музей. 1991. № 1.
21. Яковлев В.Н. Художники. Реставраторы. Антиквары. – Л., 1966. –232 с.
22. Ямщиков С. Сокровища личных коллекций: традиции и проблемы // Наше наследие. 1991. № 1.